



FARG'ONA VILOYATI RISHTON TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 18 - noyabr

406-11-158-Q/22

Rishton tumani hokimligi

Тумanning қишлоқ аҳоли пунктлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларига ичимлик сувини махсус техникаларда етказиб бериш тарифларини белгилаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6,25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги “Коммунал хизматни бошқариш тизимини янада ислоҳ қилиш тўғрисида”ги ПФ–2791-сонли Фармони 4-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидалари”нинг 118-банди ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумanning қишлоқ аҳоли пунктларига ичимлик сувини махсус техникаларда етказиб бериш тарифлари 1-иловага мувофиқ, қишлоқ ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектларига ичимлик сувини махсус техникаларда етказиб бериш тарифлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари эълон қилинадиган расмий манбаларда (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари) расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Орипов зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi



С.Солиев

Rishton tuman hokimining
2022 yil 18 noyabrdagi
406-11-158-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Туманнинг қишлоқ аҳоли пунктларига ичимлик сувини махсус техникаларда етказиб бериш

ТАРИФЛАРИ

№	Худудлар номи	Сув олиш нуқтасидан аҳоли пунктигача бўлган ўртача масофаси (км)	ҚФЙ сони	Худуд бўйича ўртача тариф		
				сўм/тн-км	сўм/тн	сўм/литр
1.	Дашт тегирмон	15	1	4500	12500	11
2.	Дашт пандиган		1			
3.	Пандиган		1			
4.	Уйрат		1			
5.	Булоқбоши		1			
6.	Чубурғон		1			
	Жами		6			

Rishton tuman hokimining
2022 yil 18 noyabrdagi
406-11-158-Q/22-son qaroriga
2-ilova

Тумanning қишлоқ ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектларига ичимлик сувини махсус
техникаларда етказиб бериш

ТАРИФЛАРИ

№	Худудлар номи	Сув олиш нуқтасидан аҳоли пунктигача бўлган ўртача масофаси (км)	Ижтимоий муассаса сони	Худуд бўйича ўртача тариф		
				сўм/тн-км	сўм/тн	сўм/литр
1.	Дашт тегирмон	15	1	4500	12500	11
2.	Дашт пандиган		1			
3.	Пандиган		1			
4.	Уйрат		1			
5.	Булоқбоши		1			
6	Чубурғон		1			
	Жами		6			